

Академик гурух маълумотларини бошқариш

Академик гурух маълумотларини шакллантириш.

Академик гурухларни шакллантириш **Talabalar / Akademik guruuhlar** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).

1-расм. Гурух яратиш ойнаси

Гурух яратиш учун 1-расмдан +**Guruuh yaratish** тугмасини танланг. Натижада экранда академик гурух маълумотларини киритиш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Академик гурухларнинг қуидаги маълумотлари киритилади, бунда:

- **Nomi** майдонига академик гурухнинг номи киритинг;
- **O'quv reja** майдонидан академик гурухга тегишли бўлган ўқув режа танланг. Ўқув режани яратиш тизимнинг ўқув режа менюсида амалга оширилади. Агар ўқув режа тасдиқланмаган бўлса бундай ўқув режаларни танлашнинг имкони бўлмайди;
- **Ta'lim tili** майдонидан академик гуруҳдаги талабаларнинг таълим олиш тилини танланг (ўзбек, рус, қорақалпок, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, инглиз).

Академик гурух маълумотларини киритиш ойнасига барча зарурий маълумотлар киритиб бўлингандан сўнг **Saqlash** тугмасини танлаш орқали гурух маълумотлари ахборот тизимига сақланади (2-расм).

2-расм. Гурухларни шакллантириш.

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида барча академик гурухлар шакллантириб олинади.

Сақланган гурухни кўриш учун тизимнинг **Talabalar / Akademik guruuhlar** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).

The screenshot shows the HEMIS OTM software interface. On the left, there is a sidebar with categories like 'Xodimlar', 'Talabalar' (selected), 'Mutaxassisliklar', 'Talabalar bazasi', 'Akademik guruhlar', 'Talabani birlashtirish', 'Talabalar ro'yxati', 'Talaba yutug'i', 'Kvalifikatsiyalar', 'Musobaqa g'olibli', 'Talaba harakati', and 'O'quv jarayoni'. The main area has tabs for 'Assosiy' and 'Guruh'. A green button 'Guruh yaratish' is visible. Below it, there are two search bars: 'O'quv rejanini tanlang' and 'Guruh nomi va kodi bo'yicha qidirish'. A table lists academic groups with columns: 'Nomi', 'Mutaxassislik', 'Ta'lim turi', 'Ta'lim shakli', 'Ta'lim tilli', and 'Faol'. The table contains 8 rows of data.

Nomi *	Mutaxassislik	Ta'lim turi	Ta'lim shakli	Ta'lim tilli	Faol
test	5350100	Bakalavr	Ikkinchi oliy (s)	O'zbek	<input checked="" type="checkbox"/>
210-20 TTu	5350100	Bakalavr	Kunduzgi	O'zbek	<input checked="" type="checkbox"/>
211-20 TTu	5350100	Bakalavr	Kunduzgi	Rus	<input checked="" type="checkbox"/>
410-20	5350100	Bakalavr	Kunduzgi	O'zbek	<input checked="" type="checkbox"/>
411-20	5350100	Bakalavr	Sirtqi	O'zbek	<input checked="" type="checkbox"/>
211-21	5330500	Bakalavr	Kunduzgi	O'zbek	<input checked="" type="checkbox"/>

3-расм. Академик гурӯҳлар рўйхати.

Академик гурӯҳ маълумотларини таҳрирлаш

Академик гурӯҳ маълумотларини таҳрирлаш учун академик гурӯҳлар рўйхатидан мос гурӯҳ номига босилади ва шундан сўнг академик гурӯҳ маълумотларини таҳрирлаш ойнаси очилади (2-расм). Сўнгра академик гурӯҳга тегишли маълумотлар таҳрирланади ва **Saqlash** тугмаси босилади.

Академик гурӯҳ маълумотларини ўчириш

Академик гурӯҳ маълумотларини ўчириш учун академик гурӯҳлар рўйхатидан мос гурӯҳ номига босилади ва шундан сўнг академик гурӯҳ маълумотларини таҳрирлаш ойнаси очилади (2-расм). Очилган ойнадаги **O'chirish** тугмасини босиш орқали академик гурӯҳ тизимдан ўчирилади.

Мухим!!!. Агар тизимда академик гурӯҳ билан боғланган бошқа маълумотлар мавжуд бўлса тизим академик гурӯҳни ўчиришга рухсат бермайди. Бундай холларда академик гурӯҳни ўчириш учун дастлаб у билан боғланган бошқа маълумотларни ўчириш тавсия этилади.